

“Toshshahartransxizmat” АЖ
ягона акциядорининг 3-сонли қарори

Тошкент шаҳар

29.06.2017й.

“Toshshahartransxizmat” АЖ устав фондидаги 100 фоиз акциялар пакети ягона акциядорга тегишли.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига мувофиқ, барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ҳамда ушбу Қонун ва жамият Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Йиғилишда жамиятнинг 100% ягона акциядори номидан давлат ишончли вакили Кадиров И.А. қатнашмоқда.

Йиғилишга таклиф этилганлар: “Toshshahartransxizmat” АЖ бошқаруви раиси А.З.Джураев, бошқарув аъзоси М.К.Валиев, бош ҳисобчи Ш.У.Исламова.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бошқаруви раисининг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссиясининг 2016 йил якуни бўйича жамият фаолиятини текшириш натижаси юзасидан ҳисоботини тинглаш.
3. Ташқи аудиторнинг 2016 йил якуни бўйича миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ жамият фаолиятини текшириш юзасидан хулосаларини тинглаш.
4. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш.
5. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2017 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
8. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
9. Жамият бошқаруви раиси Джураев А.З. билан меҳнат шартномаси тузиш.
10. Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.
11. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш.

12. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият бошқаруви раиси А.З.Джураев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши юзасидан ҳисобот берди. (ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади).

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қарор қилинди:

1. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бошқаруви раисининг 2016 йил якуни бўйича бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича сўзга жамият тафтиш хайъати раиси А.Намазов чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди ва хулоса қилиб молиявий барқарорликни ошириш ишларини давом эттириш, жамият молия-хўжалик фаолиятини юритишда ҳужжатларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида юритиш, жамиятнинг давр ва бошқа операцион харажатларини, шу жумладан дебиторлик қарзларини қисқартириш, кредиторлик қарзларни бартараф этиш чораларини кўриш, жамият мол-мулкларини сақланишини таъминлаш юзасидан тавсиялар берди. (ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади).

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қарор қилинди:

2. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича сўзга жамият бош бухгалтери Ш.У.Исламова чиқиб, жамият ташқи аудитори “ТТТ-Audit” МЧЖнинг 2016 йил якуни бўйича жамият фаолиятини текшириш натижаси юзасидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ ижобий хулосаларини ўқиб эшиттирди. (хулосаларнинг тўлиқ матни илова қилинади).

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қарор қилинди:

3. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ташқи аудитори “ТТТ-Audit” МЧЖнинг 2016 йил якуни бўйича жамият фаолиятини текшириш натижаси юзасидан миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ ижобий хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича сўзга жамият кузатув кенгаши аъзоси чиқиб, жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, 2016 йилда жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини ўқиб эшиттирди. (ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қарор қилинди:

4. “Тошшаҳартрансҳизмат” АЖ кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, 2016 йилда жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича сўзга жамият бош бухгалтери Ш.У.Исламова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлар ҳисоботи билан таништирди. (молиявий ҳисоботлар илова қилинади).

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қарор қилинди:

5. “Тошшаҳартрансҳизмат” АЖнинг 2016 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича сўзга жамият Йўловчи транспорти фаолиятини истиқболли ривожлантириш ва молиявий-иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи И.У.Шадиёв чиқди ва жамият кузатув кенгашининг 2016 йил 29 ноябрдаги мажлис қарорига мувофиқ, “Тошшаҳартрансҳизмат” АЖнинг 2017 йил учун мўлжалланган бизнес режаси дастлабки тарзда маъқулланганини маълум қилиб, ушбу бизнес режа кўрсаткичлари билан йиғилганларни таништирди. (жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган бизнес режаси илова қилинади).

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қарор қилинди:

6. “Тошшаҳартрансҳизмат” АЖнинг 2017 йил учун мўлжалланган бизнес режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Жамият бошқаруви раиси А.З.Джураев жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш ва хар чорак якуни бўйича кузатув кенгашига ҳисобот бериб борилишини таъминласин.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича сўзга жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутаъассиси Т.Ҳабирхонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасига асосан, “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг 2017 йил 26 январдаги 01/06-170-сонли хатига мувофиқ, давлатга тегишли акциялар пакети номидан кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар таклиф этилганини маълум қилди:

1. Кадиров Илхом - Тошкент шаҳар Давлат мулкани ижарага бериш маркази директори, давлатнинг ишюнчли вакили
Абдухамидович
2. Ҳакимов Искандар - Молия вазирлиги бош иқтисодчи
Норсафарович
3. Шермухамедов Рустам - Давлат рақобат қўмитаси бошқарма
Ибрагимович бошлиғи
4. Бадриддинов Зиёвуддин - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Боситович Маҳкамаси мутахассиси

5. Хуррамов Одил Азаматович - Давлат активларини бошқариш маркази етакчи мутахассиси

Шу муносабат билан, қуйидаги кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари тугатилганини маълум қилди:

1. Астанов Зафар Муродиллаевич - Молия вазирлиги бўлим бошлиғи

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қарор қилинди:

8. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг кузатув кенгаши таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

1. Кадиров Илхом Абдухамидович - Тошкент шаҳар Давлат мулкни ижарага бериш маркази директори, давлатнинг ишюнчли вакили
2. Хақимов Искандар Норсафарович - Молия вазирлиги бош иқтисодчи
3. Шермухамедов Рустам Ибрагимович - Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи
4. Бадриддинов Зиёвуддин Боситович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассиси
5. Хуррамов Одил Азаматович - Давлат активларини бошқариш маркази етакчи мутахассиси

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича сўзга жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутаъассиси Т.Хабирихонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 63-моддасига асосан, “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг 2017 йил 26 январдаги 01/06-170-сонли хатига мувофиқ, давлатга тегишли акциялар пакети номидан тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар таклиф этилганини маълум қилди:

1. Хамидов Расул - Молия вазирлиги бош мутахассиси
2. Азизов Акмал Сафарбоевич - Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси
3. Аношкина Анжелика Александровна - Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси бош мутахассиси

Шу муносабат билан қуйидаги тафтиш комиссияси аъзолари ваколатлари тугатилганини маълум қилди:

1. Намазов Алишер Абдухалилович - Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қарор қилинди:

9. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

- | | |
|---------------------------------------|--|
| 1. Хамидов Расул | - Молия вазирлиги бош мутахассиси |
| 2. Азизов Акмал
Сафарбоевич | - Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси |
| 3. Аношкина Анжелика
Александровна | - Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси бош мутахассиси |

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала бўйича сўзга жамият кузатув кенгаши раиси Давлатнинг ишончли вакили И.А.Кадиров чиқиб, “Давлат активларини бошқариш маркази” ДУКнинг 2017 йил 20 июндаги 01/06-1469-сонли қўрсатмасига мувофиқ, 2017 йил учун тасдиқланган бизнес режа қўрсаткичлари бажарилишини қатъий назоратга олиш ҳамда жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини кескин камайтириш шarti билан жамият бошқаруви раиси Джураев Анвар Заппарович билан меҳнат шартномасини тузиш мақсадга мувофиқлиги билдирилганини маълум қилди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қарор қилинди:

10. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ бошқаруви раиси Джураев Анвар Заппарович билан 2017 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишга қадар меҳнат шартномаси тузилсин.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича сўзга жамият бош бухгалтери Ш.У.Исламова чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молиявий натижаларига кўра, соф фойда, ҳамда зарар кўрилмагани боис, жамиятнинг соф фойда ва зарарлари тақсимоти амалга оширилмаслигини маълум қилди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қарор қилинди:

11. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг 2016 йил молиявий натижаларига кўра, соф фойдага эришилмагани, ҳамда зарар кўрилмагани маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамият Йўловчи транспорти фаолиятини истиқболли ривожлантириш ва молиявий-иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи И.У.Шадиёв сўзга чиқди ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси ишлаб чиқилганини маълум қилди, ҳамда ушбу стратегия билан йиғилганларни таништирди. (ривожланиш стратегияси илова қилинади). Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 75-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қарор қилинди:

12. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, жамиятни ўрта муддатга (5 йилга) ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича бош мутахассис Т.Хабирхонов сўзга чиқиб, Корпоратив кодекси талабларига мувофиқ, ҳар бир жамиятда бир йилда бир маротаба корпоратив кодексга амал қилиниши юзасидан мустақил баҳо берилиши шартлиги, жамият кузатув кенгашининг 2017 йил 3 майдаги мажлис қарорига мувофиқ “Нефтегаздепозит” МЧЖ билан 2017 йил 1 майда жамиятда корпоратив кодексга амал қилинишини баҳолаш юзасидан 344-У-сонли шартнома тузилган, “Нефтегаздепозит” МЧЖ томонидан жамиятда Корпоратив бошқарув кодексига амал қилиниши ўрганилиб, 2017 йил 13 июнда 30-01/179/1-сонли мустақил хулоса тақдим этилгани, ўрганиш натижалари бўйича 2016 йилнинг 30 июн-31 декабр даври учун жамият корпоратив бошқарув тизимининг баҳоси 187 баллни, фаолият самарадорлиги фоизли шкала бўйича 16%ни ташкил этиб, “қоникарли” сифатида тан олинганини маълум қилди.

Кун тартибидаги масала бўйича бошқарув раиси ўринбосари М.К.Валиев сўзга чиқиб, “Нефтегаздепозит” МЧЖ томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриб, 2017 йил якуни бўйича ушбу кўрсаткични янада ошириш ва “юқори” кўрсаткичга эришиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қарор қилинди:

13. “Нефтегаздепозит” МЧЖ томонидан жамиятда Корпоратив бошқарув кодексига амал қилиниши бўйича 2017 йил 13 июнда берилган 30-01/179/1-сонли хулоса маълумот учун қабул қилинсин.

14. “Нефтегаздепозит” МЧЖ томонидан жамиятда Корпоратив бошқарув кодексига амал қилиниши бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва кўрсаткичини ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Қарор имзоланган сана: 06 июль 2017й.

**“Toshshahartransxizmat” АЖнинг
ягона акциядори,
давлатнинг ишончли вакили**



И.А.Кадиров